

ВАШИНГТОНДАН ТОШКЕНТГАЧА УЗЛУКСИЗ ПАРВОЗ

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси яна битта “Boeing-787 Dreamliner” самолётини қабул қилди.



Таассурот

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи тарихий аҳамиятга эга учрашувлар, музокараларга бой бўлди. Қатор манфаатли шартномалар имзоланди. Олий даражадаги мулоқот ҳамда эришилган келишувлар ҳақида бугун жаҳон матбуоти, хусусан, АҚШ оммавий ахборот воситалари атрафлича сўз юртаяпти.

Давлатимиз раҳбари ташрифи доирасидаги тadbирларда иштирок этиш мақсадида ушбу мамлакатга борган Ўзбекистон делегацияси (унинг таркибида журналистлар ҳам бор эди)нинг юртимизга қайтиши яна бир унутилмас воқеа билан уланиб кетди. Гап шундаки, Тошкентга 17 май куни Вашингтон шаҳри яқинидаги “Эндрюс” аэропортидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг авиапарки учун олинган навбатдаги замонавий самолёт — “Boeing-787 Dreamliner”да учшимиз маълум қилинди. Бундан ҳаммамиз қувондик, албатта. Чунки янги лайнернинг илк йўловчилари бўлиш ҳам бир омад аслида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг хабар беришича, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Вашингтондан қайтиб, Тошкент халқаро аэропортида янги “Boeing-787 Dreamliner” самолётини кўздан кечирди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси раҳбариятига хорижий мамлакатларга қатновлар сони ва сифатини ошириш, бунинг учун энг замонавий самолётлар ҳамда технологиялардан фойдаланиш зарурлиги юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Дарвоқе, АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги вақт тафовути катталиги учун учиб ва қўнишда сана фарқ қилишини айтиб ўтиш жоиз. Яъни биз “Эндрюс”дан 17 май куни тушдан кейин ҳавога кўтарилдик. Уша пайтда Ўзбекистонда аллақачон 18 майга ўтилаганди. Ислол Каримов номлидаги Тошкент халқаро аэропортига қўнишимиз эса айнан 18 май, соат тахминан 12:22 га тўғри келиши билдирилди.

Ҳаво лайнерини Ўзбекистонга Миллий авиакомпания экипажи: МАК Учув-услубий бўлими бош учувчи-йўриқчиси Иосиф Зак, “Boeing-787” учувчилар отряди командири

ўринбосари Шаҳзод Икромов ҳамда иккинчи учувчи Олимжон Узоқов олиб келди.

— Ушбу русумдаги учинчи авиалайнер МАК авиапаркида мавжуд бўлган аввалги иккита “Boeing-787 Dreamliner”дан йўловчи ўриндиқларининг сони кўплиги ҳамда экипаж дам олиши учун алоҳида бўлинма ташкил этилгани билан фарқланади, — дейди “Boeing-787” учувчилар отряди командири ўринбосари Шаҳзод Икромов.

— Мазкур самолётда ҳам ёнилга тежаш самарадорлигини ошириш, шовқин даражасини пасайтириш ва атмосферага зарарли моддалар ажралиб чиқишини камайтириш имконини берувчи двигателлар ўрнатилган. Икки классли компоновкада ишланган самолётнинг кенг саҳни 270 ўриндиққа (бизнес класс — 24, иқтисодий класс — 246) эга. Лайнер қулай ҳамда кенг ўриндиқлар, янгича ёритиш ва шовқин ўтказмайдиган тизимлар, пол қопламалари ҳамда ҳар бир йўловчи учун алоҳида мўлжалланган индивидуал кўнглочлар дастурли мониторлар билан жиҳозланган.

— Ҳақиқатан ҳам, булар парвозни юқори даражадаги қулайликда, мароқли ўтказиш

имконини бераркан, — дейди янги самолётнинг илк йўловчиларидан бири, журналист Шерали Қўчқоров. — Бортга чиқишининг биланоқ унинг ички дизайни кайфиятинингизни кўтаради. Салоннинг юқори қисмидаги чироқлардан таралаётган нур киши кўзини чарчатмайди, аксинча одамни дам олдиради. Лайнер ойналарини “аккли” ойналар дейиш мумкин. Билсангиз, аксарият самолётларда ташқаридан тушадиган ёруғлики тўсиш учун қўлингиз билан унинг пластмасса ёпқичини тушириб қўясиз. “Boeing — 787 Dreamliner”да эса ойна остидаги тугмачани боссангиз, у автоматик тарзда қораяди. Истасангиз, яна оқартиришингиз мумкин. Унинг меъёрини хоҳишингизга қараб ўзингиз белгилайсиз. Бундай замонавий технологиялар бир қанча. Борт кузатувчилари бизга жуда хушмуомалалик билан хизмат кўрсатишди. Умуман, ахойиб шароит, юқори даражадаги сервис туфайли қарийб 12 соатлик парвоз қандай ўтганини билмай ҳам қолдик. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясига муваффақият тилаймиз.

(Давоми 2-бетда).



ХАЛҚНИ ХУРМАТ ҚИЛГАННИ ДУНЁ ХУРМАТ ҚИЛАДИ

Вашингтон. Пенсильвания авеню, 1600. Оқ уй. 218 йиллик ўтмишида жаҳоннинг не-не нуфузли шахслари, давлат раҳбарлари, йирик сиёсатчилар ушбу қароргоҳда қабул қилинмаган, қизгин музокаралар ўтказилмаган, дунё тамаддунига турли маънода таъсир этган “ҳаёт-мамонт” масалалари ҳал этилмаган, дейсиз. Шу маънода айтиладиган бўлса, ушбу бино тарихнинг қанчадан-қанча оламшумул воқеалари ва унинг ажиб сокинлиги остида қабул қилинган қарорлар гувоҳига айланган.

Нуқтаи назар

Қароргоҳ АҚШ Президентларининг ҳам яшаш, ҳам иш жойи ҳисобланади. Юксак орзу-умидлар билан олис юртдан келиб, мазкур заминда кўним топанлар учун Оқ уйнинг аҳамияти беқиёс. Негаки, Қўшма Штатлар қарор топан, унинг буюк асосчи-оталари Жон Адамс, Томас Жефферсон, Аврам Линкольн, Бенжамин Франклин бу ерда халқ ҳокимиятини барпо этишда неча-неча тулларни бедор ўтказган. Бу қароргоҳ халқ демократиясининг маркази,

десак, муболаға бўлмайди. Балки шу сабабдандир Оқ уйнинг олдига келганингизда, ушбу халқчил мухитни ҳис этасиз.

Маҳобатли бино ва унинг атрофидаги кўркам худудни унча катта бўлмаган панжара ўраб туради. Бу ерга истаган одам келиб суратга тушиши мумкин. Америкача эркинлик шу даражадаки, сиз давлат раҳбарининг уйи олдида суратга тушаркансиз, биров келиб сўроққа тутмайди, таъқилламайди, ҳеч ким халақит бермайди.

Дональд Трамп Шавкат Мирзиёевга нега лутф кўрсатди?

Бу савол жавоби сиёсатчилар, АҚШ — Ўзбекистон муносабатларини доимо кузатиб борувчи экспертларни ҳам ниҳоятда қизиқтирмакда. Хўш, нимага олис Ўзбекистоннинг раҳбарига Американинг 45-Президенти Дональд Трамп бунчалик юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатди?

Бу эътирофдан кўнгли гурурга тўлган юртдошларимизда ҳам шундай савол туғилган бўлса, ажаб эмас. Буни ижтимоий тармоқлардаги қизгин муҳокамалардан ҳам билиш мумкин. Хорижлик ҳамкасбларимиз бу сингари саволларни ёғдириб, одамни қийнаб юборди. Уларнинг айтишича, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг 27 йиллик тарихида, унга аъзо мамлакатларнинг бирорта раҳбари олий даражада

расмий ташрифи мақомида, бундай юксак эътибор билан Америкада кутиб олинмаган экан. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда ана шундай юксак шарафга эришди.

Дональд Трампнинг сўзларидан у Ўзбекистон тўғрисида юзаки маълумотларга, умумий тасаввурга эмас, балки юртимиздаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётгани аён бўлади. Дональд Трампнинг Шавкат Мирзиёевни ҳурмат қилиши сабаби, аслида, Ўзбекистон Президенти ўз халқини ҳурмат қилиши, фуқаролари учун жон куйдириши натижаси, десак тўғри бўлади. Халқ билан мулоқот, давлат идораларини халқ хизмати учун ишлатиш АҚШда ҳам ҳаётий талаб саналади.

(Давоми 3-бетда).



«Ўзбекистон етакчисининг давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган ўзгаришларни амалга оширишга интилиши Трампп маъмуриятида катта таассурот уйғотди»

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи мазкур ҳафтанинг бош ньюсмейкери бўлди. Ушбу мавзуга доир мақолалар нафақат Америка, балки дунёнинг бошқа давлатлари оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ҳам кенг ёритилганини кўришимиз мумкин.

Дунё нигоҳи

“Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигида янги даврни бошлаб бериш билан чекланмайди. Мазкур ташриф натижалари



истикболли Ўзбекистон бозорига кириб бориш учун Америка бизнесига қулай шарт-шароитлар яратди”, дея ёзилади “The Washington Examiner” тахлилий журналида.

Ушбу мавзудан давом эттириб, “The New Jersey Herald” газетаси Ўзбекис-

New Jersey Herald

тон ва АҚШ умумий қиймати 5 миллиард долларга яқин битимлар имзола-

ганини хабар қилади. Ўзбекистонда ўз фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда кенгайтириш ниятини билдирган компаниялар орасида “Exxon Mobil”, “General Electric” ва “SkyPower” каби дунё гигантлари борлиги эътиборга моликдир.

THE DIPLOMAT

Read The Diplomat, Know the Asia-Pacific

республикамизда бошланган ислохотлар жараёни муҳим туртки берди. “Ўзбекистон етакчисининг давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган ўзгаришларни амалга оширишга интилиши Трампп маъмуриятида катта таассурот уйғотди. Хусусан, миллий валютани эркин конвертациясига рухсат бериб, Ўзбекистон Фарб ишбилармонлари ҳамжамияти олдида-

ги имиджини анча яхшилаш имконига эга бўлди”, дейилади мақолада.

“Business Insider” хафалик наشري мухбирларининг ёзишича, Шавкат



Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи барча соҳада муваффақиятга бўлди. Икки давлат раҳбарлари қабул қилган Қўшма баёнотда стратегик шериклиكنинг янги даври бошланаётгани алоҳида қайд этилган. Шу билан бирга, савдо-сотиқни кенгайтириш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ва энергетикани ривожлантириш бўйича имзоланган келишувлар ҳамкорликка янгича руҳ ҳамда туртки бериши кутилмоқда.

“Business Insider” Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги режаларига юксак баҳо берди. Бу орқали республика иқтисодий тизимини янада эркинлаштириш ва хорижий сармоялар оқимини кучайтиришга имконият пайдо бўлади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида мамлакатда эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, аҳолининг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашда, гриппга оммавий чалиниш ҳолатларининг олдини олишда, пандемик салоҳиятга эга янги юқори патоген вирусли инфекцияларга қарши курашишда бир қатор камчиликлар мавжуд.

Ўтказилган таҳлиллар натижалари грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг таъсирчан профилактикаси бўйича чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўқсинлик қилаётган шарт-шароитлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

Биринчидан, доимий генетик ўзгаришлар ҳамда одамлар учун хавфли вирусларнинг пайдо бўлиши хавфи, шунингдек, миграция жараёнининг жадаллашуви юзга келаётган инфекция тарқалдидага тезкор муносабат билдиришни талаб қилмоқда ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга оширишни қийинлаштирмоқда, жумладан, мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқармоқда;

Иккинчидан, инфекция юқиши хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасини вакцинапрофилактика қилиш даражасининг ҳозирги замон талабларига мос келмаслиги гриппга чалиниш даражасининг ошиши учун шароит яратмоқда;

Учинчидан, рўйхатга олиш механизмларининг мукамал эмаслиги вакциналар, таххис қўйиш тўпламлари ва вирусга қарши воситаларнинг ўз вақтида олиб кирилишини қийинлаштирмоқда;

Тўртинчидан, импорт қилинадиган вакциналар ва вирусга қарши воситаларнинг ўзига хос фаоллиги, шунингдек, импорт қилинадиган парранда ва чорва маҳсулотларининг одамларга нисбатан хавфли вируслардан холи эканлиги устидан лозим даражадаги лаборатория назорати таъминланмаяпти;

Бешинчидан, даволаш муассасаларини грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга тезкор таххис қўйиш воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда, шунингдек, гриппга чалинган беморларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни эрта аниқлашда камчиликлар мавжуд;

Олтинчидан, барча иختисосликдаги шифокорларнинг замонавий усуллар билан грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга таххис қўйиш ва даволаш бўйича малакасини ошириш жараёни, шунингдек, шифокорларнинг беморларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволаш бўйича фаоллигини рағбатлантириш лозим даражада ташкил этилмаган;

Еттинчидан, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, маҳаллий вакциналар, вирусга қарши воситалар, таххис қўйиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу мақсадларга инвестициялар ва грантлар жалб қилиш бўйича ишлар сустр олиб борилмоқда.

Грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга таххис қўйиш ва даволаш соҳасидаги ишлари қоникарсиз, деб топилсин.

(Давоми 2-бетда).



ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Жорий йилнинг 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда депутатлар ўз конституциявий ваколатлари доирасида Ҳисоб палатасининг 2017 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари О. Рустамов ҳисобот билан сўзга чикди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мамлакатимизнинг энг олий таъши аудит ва молиявий назорат органи ҳисобланиб, Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдордир. Шу боис ҳисобот дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан кўриб

чиқилди. Фракцияларда ўтказилган муҳокамалар давомида депутатлар парламент назоратини амалга ошириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, назорат-таҳлил тadbирларига фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини фаол тарзда жалб этиш юзасидан парламент ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқдилар.

Ҳисоботда келтириб ўтилганидек, Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти мамлакатимиз Президентининг Фармон ва қарорлари, жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлари асосида ташкиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР
ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Куйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа масъул идораларнинг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумжаҳон ва минтақавий санитар-эпидемиологик ҳолатнинг доимий таҳлили ҳамда мониторингини олиб бориш, мамлакатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалиши тенденциялари ҳамда кенг тарқалиши мумкин бўлган ҳолатларни прогноз қилиш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни мувофиқлаштириш, вакциналар, вирусга қарши воситалар ва ҳимоя воситаларининг, ушбу касалликларни профилактика қилиш, уларга таъхис қўйиш ҳамда даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолини зарур ҳажмда долзарб вакциналар, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш ва уларнинг захирасини шакллантириш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг комплекс профилактикасини, биринчи навбатда, юктириш ва оғир оқибатларга чалиниш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасининг умумий вакцинациясини ташкил этиш орқали амалга ошириш;

кенг тарқалиши мумкин бўлган грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг илк эпидемиологик белгиларини аниқлаш ва келгусида аҳоли ўртасида касалланишни қамайтириш учун комплекс шошилиш чора-тадбирлари амалга ошириш.

3. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун хорижий давлатларнинг, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари)ни ва грантларини ҳамда бюджетдан

ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар пайдо бўлганда вакциналар, вирусга қарши воситалар, шахсий ҳимоя воситалари, эрта таъхис қўйиш усулалари билан таъминлаш ва шошилиш ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан кейинги йилларда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. 2018 йил 1 августдан гриппнинг оғир шаклларига ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга чалинган ҳамда клиник-эпидемиологик кўрсатмалар бўйича паранда ва ҳайвонларда учрайдиган гриппнинг юқори патоген вирусларини ҳамда одамлар учун хавфли бўлган бошқа ўткир респиратор инфекцияларни юқтирганиликда гумон қилинаётган шахсларга ушбу вирус турлари бўйича мажбурий таъхис қўйилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: юқумли касалликлар стационарларида, туғуруқ комплексларида ҳамда перинатал марказларда, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида ва унинг филиалларида гриппга таъхис қўйиш бўйича экспрес-тестларнинг ҳамда гриппни даволовчи вирусга қарши махсус воситанинг қайта тикланувчи захираси ташкил этилишини, шунингдек, ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир шаклларига чалинган беморларни даволаш учун шу соҳага ихтисослашган стационарларнинг жонлантириш ва интенсив терапия бўлимлари зарур асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари билан жиҳозланишини таъминласин;

бир ой мuddатда грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган шахсларни мавсумдан олдин вакцинация билан қамраб олиш мақсадида уларнинг асослантирилган контингентини, шунингдек, зарур моливий маблағлар ҳажмини аниқласин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу контингентнинг вакцинациясини ташкил этиш ва вакциналар харид қилишни молиялаштириш манбаларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда юқори

патоген грипп вируслари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишини назорат қилиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой мuddатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга қарши вакциналар, таъхис воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситаларининг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2018 йил 1 августи қадар мuddатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга таъхис қўйиш, даволаш бўйича мақсадли илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, илгор хорижий илмий ишланмаларни ва янги юқори самарали воситаларни жорий этиш таърибасини ўрганиш, кейинчалик инновацион ишланмалар натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тадқиқот институти базасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли институтларини жалб этган ҳолда ўз вақтида баҳарлишини таъминласин;

2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув дастурини такомиллаштириш чораларини, жумладан, ўқув жараёнига юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга таъхис қўйиш ва даволаш чуқур ўрганилишини назарда тутувчи чораларни кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказилишини ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда ҳисоботлар тақдим этиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли ўртасида грипп ва бошқа ўткир

респиратор инфекцияларни профилактика қилиш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни олиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари даволаш-профилактика муассасаларини эътиёбга қараб грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни самарали профилактика қилиш, уларга таъхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган самарали шахсий ҳимоя ва тезкор таъхис қўйиш воситалари, вирусга қарши, патогенетик ҳамда бошқа воситалар ва ускуналар билан таъминласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда осовишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни қўлайтириш мақсадида Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, 2019 йил 1 мартга қадар мuddатда 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р. С. Қосимов, Р. Р. Иноятов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари Қ. В. Акмалов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 18 май	

ВАШИНГТОНДАН ТОШКЕНТГАЧА
УЗЛУКСИЗ ПАРВОЗ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Миллий авиакомпания вакиллари-нинг айтишича, авиакомпания паркi 2020 йилга қадар “Boeing-787 Dreamliner” русумидаги олтига самолётга эга бўлади. Мутахассисларнинг юқори тайёргарлик даражаси туфайли эксплуатация жараёнида “Boeing-787 Dreamliner” самолётларининг 100 фоизлик ишончилиги таъминланди. Бугунги кунда авиакомпания-нинг учиш ҳамда техник таркиби учинчи самолётни ишга туширишга ҳам тулик тайёр.

Янги “Dreamliner” авиакомпаниянинг парвозлар жадвалига киритилган бўлиб, узоқ масофалардаги қатновларда эксплуатация қилиниши кутуляпти.

Таъкидлаш жоиз, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясини Марказий Осиёда “Boeing-787 Dreamliner” самолётларига буюртма берган биринчи буюртмачидир. Авиакомпания “Dreamliner”ларнинг тижорат эксплуатациясини 2016 йилда бошлаган. 2017 йилнинг 27 июлида эса, Ўзбекистон Миллий авиаташув-чиси тарихида биринчи марта мазкур русумдаги самолётда Тошкентдан



Оқил ҒУЛОМОВ (ў-А) олган суратлар.

Нью-Йоркка илк узлуксиз парвозни амалга оширди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий ва қулай авиалайнерлари Европа ҳамда Осиёнинг 40 дан ортқ шаҳар-ларига парвоз қилмокда ва Аляскадан тортиб, Янги Зеландиягача чартер қатновларини бажараяпти. Авиакомпания “Dreamliner” самолёти “Boeing 757, 767, 787 Dreamliner” ҳамда “Airbus 320” ҳаво кемаларидан иборат.

...Парвоз бошланиши арафасида Вашингтонда кучли ёмғир ёғаётганди.

Тошкентга белгиланган вақтда етиб келиб, ойнадан ташқарига боқар эканмиз, чарақлаб турган кўёш тафтидан она-Ватаниннг қайноқ меҳрини ҳис қилган-дек бўлдик. Самолёт ерга охишта кўнғач, ҳамма хуш қайфиятда, миннатдор қиёфдада экипаж аъзоларига раҳмат айтиб, борар манзили томон ошдикди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
“Халқ сўзи” махсус мухбири.
Тошкент — Вашингтон — Тошкент

«Ўзбекистон етакчисининг давлат ҳамда
жамият ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган
ўзгаришларни амалга оширишга интилиши
Трамп маъмуриятида катта таассурот уйғотди»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Умуман олганда, Дональд Трамп ҳамда Шавкат Мирзиёев тўла англашувга эришганларини намён этдилар”, дея ёзилади нашрда.

“Тошкент ва Вашингтон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида биргаликда чора-тадбир-ларни амалга оширишга келишиб олди. АҚШ маъму-рияти Ўзбекистон томонидан ҳаётга таътиб қилинаёт-ган темир йўл ҳамда инфратўлимавий лойиҳаларга ёрдам беришга тайёрглини билдирди. Ўзбекистон раҳбарияти эса Америка томонидан Афғонистонда тинчлик ва осовишталиқни таъминлаш бўйича олиб бо-рилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини

THE NEW DELHI TIMES

маълум қилди. Иккала давлат раҳбарлари экстремизм ҳамда халқаро терроризмни қораладилар ва умумий таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиқни кен-гайтиришга интилишларини қайд этдилар”, дея ёзила-ди Хиндистоннинг марказий газеталаридан бири — “The Hindu” саҳифаларида.

Хиндистоннинг яна бир наشري — “New Delhi Times” хабар қилганидек, Америка сиёсий доиралари Ўзбекистон-

New Delhi Times

нинг Марказий Осиёдаги янгиланган ташки сиёсатини катта қизиқиш билан кузатмоқдалар. Мазкур сиёсат минтақани “кучли ҳамда мустақил” маконга айлантиришга имкон бери-

ши эътироф этилади. Вашингтон Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий мулоқотини йўлга қўйиш бўйича ташаббусини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётди.



раёнга жалб қилиниши мавхуд транспорт-логистика йўлак-ларидан самарали фойдаланиш ҳамда янглиларини барпо этишга хизмат қиладик, бу орқали денгиз портларига чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Покистоннинг “The Nation” газетаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ мудофаа вазири Жеймс Мэттис билан у ч р а ш у в и ҳақидаги мақо-лани чоп этди. “Пентагон, — деб ёзади по-кистонлик журналистлар, — Ўзбекистонга Марказий Осиёда муҳим геостратегик ўринни эгаллаб, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этувчи давлат сифатида қарайди. Шу са-бабли Америка раҳбарияти республика билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни кенгайтириш ниятини билдир-мокда”.

Анвор МИРЗАЕВ
“Халқ сўзи”
тойёрлади.

ДЕПУТАТЛАР ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING
ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, Давлат бюджети шаклланиши ва даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, Ўзбекистон Рес-публикасини Президенти қарор ва топ-шириқларнинг, шу жумладан, ҳудуд-ларга амалга оширилган ташриф да-вомида берилган топшириқларнинг ижросини таъминлашга қаратилган.

Тақдим этилган ахборотда таъкид-ландики, Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолиятида Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шаклланти-рилиши ва уларнинг ижтимоий-иқти-содий ривожлантиришининг устувор йўналишларига мувофиқлигини ти-зимли таҳлил қилиш, қабул қили-наётган давлат ва ҳудудий дастур-ларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг ташки аудитини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республи-касининг 2018 йилги Давлат бюджет-и ва давлат мақсадли жамғармала-ри бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўна-лишлари лойиҳасини такомиллашти-риш бўйича 32 таклиф билдирилди. Давлат бюджети даромадлари про-гнози лойиҳаси Ҳисоб палатасининг 10 та таклифи асосида қайта кўриб чиқилиб, 1,4 триллион сўмга қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришилди.

Маҳаллий бюджетларга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш на-тижасида бюджетга қарийб 120 мил-лиард сўм қўшимча даромад манба-ларини қўшилди. Жумладан, Самар-қанд вилоятида 27 миллиард сўм, Тошкент вилоятида 21,4 миллиард сўм, Наманган вилоятида 6,3 мил-лиард сўм ҳамда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 30,4 миллиард сўм, Бектемир туманида 19,4 мил-лиард сўм ва Сергели туманида 13,3 миллиард сўм қўшимча даро-мадлар аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тошириги бўйича давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш дастурлари, Президент-нинг қарорлари, шунингдек, хорижий мамлакатларга давлат ташрифлари давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни амалга оширишнинг тўлиқлиги ва самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш ишлари Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари-дан бири бўлди. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ҳисоб палатаси то-монидан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижросини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойлар-га чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказилган.

Парламент қуйи палатаси мажли-



сида Ҳисоб палатасининг 2017 йил-ги ҳисоботи эшитилганидан кейин унинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депу-татлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолиятини янада та-комиллаштириш мақсадида намуна-вий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларнинг дастлабки таннархи шаклланишини ва уларнинг сифати-ни назоратга олишни, таълим ва тиб-биёт муассасаларининг моддий-тех-ника базасини яхшилаш бўйича дастурларнинг шакллантирилишида долзарблилик, адолат ва шаффоф-лик тамойилларининг устуворлигини таъминлашга эришиш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси Ҳисоб палатаси томонидан ҳудудлар-да аниқланган муаммолари масалалар ва камчиликларни бартараф этиш, уларга келгусида йўл қўймаслик ва олдини олиш ҳамда бюджет маблағ-лари самарадорлигини таъминлаш-да маҳаллий бюджетлар ҳар чорақ-даги ижроси вакиллик органлари то-монидан муҳокама этилиши масала-ларига эътиборни янада кучайтириш лозимлигини билдирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиқ-қанлар ўрганишлар давомида соғ-лиқни сақлаш ва халқ таълими тизи-мида, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида молиявий ҳато ва камчиликлар кўплаб учраётганини, шу соҳаларда аниқланган қонунбу-зилиши ҳолатлари ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, шу-нингдек, келгусида уларнинг олди-ни олиш юзасидан парламент эши-тувларини ташкил этиш лозимлиги-ни таъкидладилар.

Ўзбекистон “Адолат” социал-де-мократик партияси фракцияси аъзо-лари Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети лойиҳасини кўриб

чиқиш давомида Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари би-лан ишончли таъминлашга оид ке-чктириб бўлмайдиган чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бюджетдан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари ва тиббиётга мўлжалланган буюмларни сотиб олиш учун Давлат бюджетидан қўшимча 48 миллиард сўм кўзда тутилиши таъминланганини алоҳида эътироф этди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати де-путатлар гуруҳи вакиллари томони-дан ўрганишлар жараёнида аниқлан-ган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ҳисоб палатаси тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳам-корликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат-ларга ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритиш тўғрисида таклифлар тайёр-лаш бўйича ишларни тизимли ра-вишда олиб боришни янада кучай-тириш, “Тоза ҳудуд” давлат унитар қорхоналарининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш учун ажратилаёт-ган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимли равишда текшириб бориш юзасидан таклифлар билдирилди.

Барча сиёсий партиялар фракция-лари ва Ўзбекистон экологик ҳара-кати депутатлар гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб па-латасининг 2017 йилги ҳисоботи маъқулланди. Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси билдирилган фир-мувоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилги ҳисоботи-ни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Шундан сўнг депутатлар қуйи палата мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойи-ҳаларини биринчи ва иккинчи ўқишларда кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати.**

ХАЛҚИНИ ҲУРМАТ ҚИЛГАННИ ДУНЁ ҲУРМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки Америка учун демократия 242 йилдан бери олий кадрият сифатида кун тартибидан ҳеч қачон тушмаган. Қарийб икки ярим асрдан буён халққа яқин бўлиш, халқ муаммоларини ҳал этиш АҚШнинг сиёсий менталитетига айланган, десак, янглишмаймиз. Ўзбекистонда сўнгги 20 ойда давлат тизимининг халқ-ҳаракатлари самарасидир. 16 май. Ташрифнинг асосий воқеалари кун. Расмий ташрифнинг ўз қонунияти, дипломатлар тили билан айтганда, протоколи мавжуд. Давлатимиз раҳбари ўзи учун аҳд-тилган, Оқ уйдан икки қадам нарида жойлашган “Blair House” қароргоҳидан машиналар кортежи ҳамроҳлигида Оқ уйга тантанавор кириб

келди. Президент фаолиятини жонли эфирда қўришга одатланиб бораётган Ўзбекистон халқи қалбида бу тасвирлар фахр ҳиссини уйғотди. Ҳар бир ўзбекда Ватанидан, Президентидан чексиз гурурланиш ҳиссини уйғотди. Оқ уйдан узатилган трансляцияни нафақат Америка, балки бутун олам кузатиб борди. “CNN”, “Fox News”, ҳуллас, бошқа ўнлаб телекомпаниялар камералари тўғридан-тўғри ойнаи жаҳонда ушбу жараёни ёритди. Азиз меҳмонни Оқ уй остонасида Америка Президентининг шахсан ўзи кутиб турарди. Машинадан тушиши билан Трамп Президентимизни самимий қутлаб, худдики ўзбекона лутф билан меҳмонни уйга таклиф қилди. Сўхбат бошида Президент Трамп: **“Сизга катта раҳмат. Ўзбекистон Президентининг ташрифи биз учун жуда катта шарафдир. Жаноб Президент ўз юртида ва бутун дунёда ҳурматга сазовор ки-**

шидир. Биз кўп масалаларда, жумладан, савдо-сотиқ бўйича жуда яқин алоқадамиз. Улар бизга инвестиция келтирган, биз ҳам уларга инвестиция киритамиз. Жаноб Президент, сиз жуда ҳурматли инсонсиз. Раҳмат”, деди. Бу сўзлардан ҳам аён бўладики, Ўзбекистон ҳам АҚШ иқтисодиётига анчагина инвестиция киритмоқда. Ўзбекистон учун замонавий технологиялар, дастгоҳлар, ҳарбий қурол-аслаҳа, самолётлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш Америка худудида ўн мингдан зиёд иш ўринларининг сақлаб қолинишига замин яратмоқда. Ўз навбатида, энди АҚШ ҳам Ўзбекистонга сармоялар ҳаҳмини кенгайтириш тарафдори. Олий даражада кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунланган, протокол талабларидан чиқиб, Дональд Трамп Ўзбекистон Президентини кузатиб қўйди. Оқ уй остонасида Президентлар яна бир муддат дилдан самимий сўхбатлаш-

дилар. Кайфиятлари ҳам аъло эди. АҚШ Президенти Ўзбекистон раҳбари ўтирган машина жўнаб кетганидан кейин ҳам қониқчи ҳисси ҳамда ҳурмат нуқтаи назаридан кузатиб туришда давом этди... Давлатимиз раҳбари АҚШдан қуруқ қўл билан қайтмади. Америкага сафар баракали бўлди. Президентимиз ўзи билан “Boeing-787 Dreamliner” самолётини олиб қайтди. Маълумки, “Dreamliner” — орзулар лайнери, дегани. Бунда ҳам рамзий маъно, эзгу мақсад мужас-сам, десак, ўринлидир. Яъни Ўзбекистонликларнинг орзуси доимо ушалсин, халқимиз ҳаётини янада яхшилашга қаратилган ўзгаришлар бардавом бўлаверсин. Зотан, Америка мўъжасининг қалити, бу — Америка орзуси, яъни ўз кучи ҳамда ғоясига ишонган одамнинг ғалаба қозониш ҳиссидир.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Халқаро пресс-клуб раиси.

ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИГА КЎТАРИНКИ РУҲ, ЖЎШҚИНЛИК БАҒИШЛАЙДИ

АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот анжуманида “Мен учун Ўзбекистон етакчиси билан учрашиш катта шарафдир”, деган сўзлари кўпчилик қатори биз, журналистлари ҳам тўқилантириб юборди. У Шавкат Мирзиёевга таъриф берар экан, “Жаноб Президент ўз юртида ва бутун дунёда ҳурматга сазовор кишидир”, деди. Мана шу сўзларнинг ўзидёқ Америка ҳуқумати Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга ҳар доим катта қизиқиш билан қараб келганидан далолатдир.

Шу маънода, Ўзбекистондаги сўнгги йилларда рўй бераётган ўзгаришларни ҳам диққат билан кузатиб келаяётгани аниқ, Вашингтондагиларнинг фикрича, ҳозир Ўзбекистонда том маънода янглишиш даври кузатишмоқда. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатлардаги очиклик сиёсати океанортида эътироф этилмоқда. Шу сабабли ҳам Трамп давлатимиз раҳбарига қарата “Жаноб Президент, сиз жуда ҳурматли инсонсиз. Раҳмат”, деди. Президент Дональд Трамп Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи муносабати билан ўтказилган қабул маросими иштирокчиларига йўллаган мурожаатида “Америка халқи номидан Президент Мирзиёевга Оқ уйга тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдираман. Марказий Осиёда анчайин мураккаб вазият юзага келаятган, ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлаётган бир пайтда бугунги мулоқотимиз стратегик шериклигимизни янгилашга ёрдам берди. Минтақадаги таъминот йўллариини қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга хизмат қиладиган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қиламан”, дея таъкидлади. Авваллари АҚШ Президентлари бу каби гапларни жаҳоннинг бошқа мамлакатлари раҳбарлари шаънига ҳам айтган бўлишлари мумкин. Аммо бундай юксак эътироф Ўзбекистон Президенти, ўзбек халқига нисбатан илк бор айтимокда. Дунё мамлакатларининг етакчилари бу сингари сузларни шунчаки айтиш-

майди. Мазкур юқори баҳо меҳнаткаш ўзбек халқи, Ўзбекистон ва давлатимиз раҳбарига нисбатан юксак эҳтиром белгисидир. Бундай эҳтиром эса халқимизга гурур бағишлашди, десак, асло янглишмаймиз. Эътибор берган бўлсангиз, Шавкат Мирзиёев “Ҳақиқатан ҳам, бугунги учрашув бутун дунёдаги ўзбеклар учун жуда қимматли, таъсирлидир” деди. Мана шу иборанинг ўзидёқ Дональд Трампнинг ибораси бежиз айтилмаганига далил бўла олади. Оқ уй раҳбарининг матбуот анжуманидаги “Улар бизга инвестиция келтирган, биз ҳам уларга инвестиция киритамиз”, деган сўзлари ташриф давомида имзоланган салкам 5 миллиард долларлик шартномада ўз аксини тоғди. Бу мамлакатимизнинг уларга қилган инвестицияси нақадар қадрли эканлигини айғлатади. Бу, Президентимиз таъкидлаганидек, “АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклиқнинг янги босқичидир”.

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги янгилашган ҳамкорлик Дональд Трамп таъбири билан айтганда, “Икки мамлакат олдидаги янада ёрқин келахакнинг бошланиши, холос”.

Президентимизнинг АҚШга амалга оширган унутилмас ташрифининг тарихий аҳамияти, қисқача айтганда, аввало, дунёда, минтақада Ўзбекистоннинг юксак нуфузидан дарак беради, айни пайтда янги-ланаётган жаҳонимизга, ислохотлар жараёнига янада кўтаринки руҳ, улкан жўшқинлик бағишлайди.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ, “Ўзбекистон 24” телерадиоканали ходими, сиёсий шарҳловчи.

ЭЪЛОН

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «Фарғонагаз» филиали

куйдаги харидлар бўйича тижорат таклифлари қабул қилади:

Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали Учқўприк ва Кува туманларида газ тўлдириш шохобчаларида суюлтирилган газ қўйиш ҳажминини ошириш мақсадида 4 дона «УНГСГ-1» турдаги электрон тарози ҳамда 500 м² ҳажмини иситиш қувватига эга бўлган, электр энергиясини талаб қилмайдиган 23 дона теҳамкор қозон харид қилиш бўйича шу фаолият тури билан шугулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳўжалик юритувчи субъектлардан 5 кунлик муддат ичида тижорат таклифлари қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 76-уй. Телефон (+998 73) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

Фаол саъй-ҳаракатлар ва ташаббуслар қўллаб-қувватланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш руҳида ўтган учрашувда Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасида турли соҳаларда, жумладан, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик кенгаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат компаниялари ўртасида 4,8 миллиард долларлик янги шартномалар имзолангани эътироф этиб ўтилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил бўлди. Улар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши 2017 йил май ойида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида ўтган араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити, шунингдек, 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасидаги учрашувлар билан чамбарчас боғлиқ. Ўшанда давлат раҳбарларини мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқалар ва истиқболдаги режалар хусусида сўхбатлашган эдилар.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очиқ ва конструктив ташқи сиёсати ҳамда фаол саъй-ҳаракатларини ҳар доим қўллаб-қувватлаб келган. Давлатимизнинг бу борадаги изчил ислохотлари ва ташаббуслари Дональд Трамп томонидан алоҳида эътироф этилди.

Муносабат

Таълим ва амалиёт уйғунлиги

чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини сифат жиҳатидан ривожлантиришга хизмат қилади

Иқтисодиётимизнинг бугунги салоҳияти, ички имкониятлари юртимизда саноатнинг қўллаб тармоқларини наинки ўзлаштириш, балки жадал ривожлантириш мумкинлигидан далолат беради. Чарм-пойабзал соҳаси саноатнинг ана шундай истиқболли йўналишлари сирасидандир. Шу боис кейинги пайтда чет эл сармояси иштирокида терини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналар қуриш, мавжудларини модернизациялаш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилаяпти. Амалиётга замонавий технологиялар жорий этилиши туфайли пойабзал маҳсулотлари турлари кенгайиб, юзлаб янги моделлар ўзлаштирилмоқда.

Бироқ таҳлиллар қўлга киритилаятган натижалар мавжуд имконият даражасида эмаслигини кўрсатапти. Гап шундаки, охириги йилларда терини қайта ишлаш, пойабзал тайёрлаш ҳажми ортан бўлса-да, хом ашёни якуний маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ занжирини яратиш жараёни сустлигича қолмоқда. Бунинг оқибатида экспорт таркибиде яримтайёр чарм маҳсулотлар улуши кўпайиб кетаётган эди. Қолаверсис, чарм буюмлари товарларининг бир қатор йўналишлари, жумладан, аёлларнинг талаб юқори бўлган модель пойабзали, спорт оёқ кийимлари, болалар пойабзали, чарм асосидаги кийим-кечаклар, замонавий чарм-атторлик, чарм мўйна буюмлари, эгар-жабдуқ йўналишлари эътибордан четда қолаётганди. Президентимизнинг 2018 йил 3 майда имзоланган “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадagi шу каби камчиликларни бартараф қилиш бораберида, тармоқнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш учун имкониятлар эшигини кенг очиб берди.

Мазкур хужжатга мувофиқ, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси “Ўзчармсаноат” уюшмаси сифатида қайта ташкил этилган, унинг фаолият қўлами янада кенгайди. Эндиликда ушбу тузилма таркибига чарм-пойабзал корхоналари, мўйна хом ашёси, қоракўл териси ҳамда жун тайёрлаш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда бошқа ташкилотлар ихтиёрий равишда кириши мумкин. Бу соҳанинг шу пайтгача тарқоқ бўлган йўналишлари фаолияти ҳам бир тизим асосида жўшлатилириб, самарали фаолият юритиш учун қўлай бизнес муҳити яратилди, дегандир. Дарҳақиқат, уюшма зиммасига

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Парламент назорати

Коррупцияга қарши мurosасиз курашиш ислохотлар самарадорлигини таъминлайди

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида коррупция билан боғлиқ қўзғатилган ва судга оширилган жиноий ишлар сони аввалги йилдагига нисбатан 39,5 фоиз камайган. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Нукус шаҳрида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий идораларо комиссияси раҳбарининг ўзи фаолияти юзасидан ахборотини эшитиш ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг ижро этилишини ўрганиш натижаларини муҳокама этишга бағишланган сайёр мажлисда маълум қилинди.

Мажлисда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар қандай соҳадаги ислохотларга тўсиқ бўладиган иллат — коррупция билан мurosасиз курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ўтган давр мобайнида ҳудудда уюшган жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг самарали чораларини қўриш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларни бузилишининг ҳамда иқтисодиётга зарар еткази-лишининг олдини олиш, бошқарув ва ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг коррупциялашган жиноятларини фош этиш, порахўрлик ҳамда мансаб суиистеъмоликларига қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айни пайтда Комиссиянинг тегишли идоралар билан олиб борган амалий ишлари натижасида 2017 йил давомида Қорақалпоғистон Республикасида коррупция билан боғлиқ қўзғатилган ва судга оширилган жиноий иш-

таъкидланди. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари юзасидан давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар билан ижтимоий шериклик механизмларидан кенг фойдаланилмаган. Комиссия аъзолари ҳам мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солмаган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жағмармаси томонидан ижтимоий таъминот, аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ва тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган идоравий коррупцияга қарши комплекс чора-тадбирлар ижроси лозим даражада таъминланмаган. Шунингдек, айрим Комиссия аъзолари томонидан ижтимоий сўровлар ҳамда тадқиқотлар ўтказиш орқали коррупциявий хавфларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зарур чоралар қўрилмаган. Сайёр мажлисда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини янада оширишга ҳалақит бераётган шу каби қатор камчиликларни бартараф қилиш чоралари белгिलाб олинди. Мажлис якуни бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наманган — Челябинск:

Ҳамкорлик янада кенгайади

Наманганликларнинг ўтган йил март ойида Челябинскка сафари чоғида икки вилоят ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларига пойдевор қўйилганди. Ўшанда 67 миллион АҚШ доллари микдорига тенг саноат, 26,2 миллион АҚШ доллари ҳажмида мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланган эди.

Челябинск вилояти губернатори Борис Дубровский раҳбарлигида мамлакатимизга ташриф буюрган делегация иштирокида Наманган шаҳрида ҳамкорлик истиқболларига бағишланган бизнес форуми ташкил этилди. — Тўқимачилик саноати соҳаси бизни қизиқтирмақда, — дейди “Россия ишбилармонлари” жамиятининг Челябинск вилояти бўлими енгил саноат қўмитаси раиси Сергей Сиренко. — Имкониятдан фойдаланиб, “Попфен”, “Намимпекстекстиль” сингари корхоналар ҳамда бир қатор хунармандлар билан ўзаро шартномалар имзолладик.

“Жанубий Урал — Россиянинг қўҳна ва навқирон ўлкаси” кўрғазмида Челябинск тасвирий санъат ҳамда фоторассомларининг ижод намуналари намойиш қилинди. “Баркамол авлод” спорт мажмуасида ҳар икки вилоят боксчилари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Меҳмонлар, шунингдек, вилоятнинг таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳасидаги салоҳияти билан ҳам яқиндан танишиб, сайёҳлик манзиллари бўйича “йўл харитаси”ни белгилаб олишди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Таълим ва амалиёт уйғунлиги

имтиёзларни қўллаш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг келиб чиқилиш тасдиқловчи ҳужжатини тақдим қилиш бўйича талабнинг бекор этилгани диққатга сазовор. Таъкидлаш керакики, кейинги пайтда соҳа учун етук кадрлар етказиб бериш энг оғриқли масалалардан бирига айланган эди. Қарорда мазкур жиҳат ҳам эътибордан четда қолмаган. Малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий услублари ҳамда инновацияларни ҳақиқатда қўлдан чиқаришга қўйилди. Чунки бугунги кунчи рақобат шароитида инновацияларни жадал қўлламай туриб, ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллашнинг умуман имкони йўқ.

Шу боис уюшма аъзолари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватлаиб, уларга 2023 йил 1 январгача солиқ ва божхона имтиёзлари берилаяпти. Унга қўра, фойда солиғи ҳамда мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жағмармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ҳамда фурунтура учун божхона тўловларидан озод этилаяпти. Бундан ташқари, 2018 йил 1 июндан эътиборан йирик ва майда шохли моллар, тери, мўйна, қоракўл хом ашёси ҳамда жунни юридик шахсларга сотишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича

бермайди. Бугунги пайтда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Олий ўқув юртлари ҳамда касб-хунар коллежларида янги йўналишлар бўйича тайёрланаётган ёш мутахассисларнинг ўқиш мобайнида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида уюшма тизимидаги корхона ва ташкилотларда мажбурий стажировка ўташ амалиёти жорий қилинапти. Ўз навбатида, соҳанинг етук мутахассислари томонидан таълим муассасаларида махсус фанлар бўйича маърузалар ўқитилиши, чарм-пойабзал ҳамда мўйначилик тармоқларининг долзарб масалаларига доир машғулотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Соҳа истиқболига бундай тизимли ёндашув юртимизда тери хом ашёсини қайта ишлашни янада чуқурлаштириш орқали ички бозорни импорт ўрнини босувчи буюмлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, хориж инвестицияларини кенг жалб этган ҳолда, янги қувватларни очиб имконини беради. Буларнинг барчаси пироваврида чарм-пойабзал ва мўйначиликда миллий брендларни яратиш, соҳани сифат жиҳатидан ривожлантиришга хизмат қилади.

Салоҳиддин ЮНУСОВ, техника фанлари доктори.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Бугун инновацион
хизматларнинг ҳаётимизга
тобора чуқурроқ кириб

келаётгани кундалик турмуш тарзимиз янада қулайлашишига хизмат қилмоқда. Хусусан, банклар фаолиятига ҳам креатив гоялар ва замонавий ишланмалар татбиқ этилаётгани диққатга сазовордир.

Йирик молия муассасалари орасида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг бу борадаги фаолияти алоҳида эътиборга молик. Зеро, ушбу банк сўнгги беш ой давомида мижозларга халқаро мезонларга жавоб берувчи ва ҳатто, ходимлар иштирокисиз кўрсатиладиган ўнлаб инновацион хизмат турларини тақдим этди. Ишлаб чиқилган янги хизмат кўрсатиш сифат стандартларига мувофиқ, банкнинг барча филиали — ҳоҳ у пойтахтда ёки юртимизнинг энг олис ҳудудидagi филиалда бўлсин, мижозларга бир хилда тезкор ва ишончли хизмат кўрсатилмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»:

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ЯНГИЧА ИШ УСУЛИ

мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда

Ортиқча хужжатбозликларга чек қўйилди

“Ўзсаноатқурилишбанк” мижозлар ва фуқаролардан келиб тушаётган таклифлар, уларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиқиб, истеъмол кредити турларини янада кенгайтирмоқда. Сир эмас, илгари аксарият молия муассасаларида кредит олиш тартиби, кредит ажратиш шартлари ҳақидаги оддий саволларга ҳам асосли жавоб топишда қатор муаммоларга дуч келинарди. Бугун эса бу камчиликлар ўз ечимини топмоқда. Банкка тақдим этиладиган хужжатлар сонини ҳам кескин камайтирилиб, кредитни қисқа муддатда бериш энг асосий вазифа қилиб белгиланди.

Масалан, эндиликда истеъмол кредити олиш истагидаги фуқаролар ортиқча хужжатбозликлардан холи бўлган ҳолда молия муассасасига бор-йўғи — паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи хужжат нусхаси, кредит олувчининг охириги 12 ой мобайнидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома, таъминот (кафил) хужжатлари ҳамда харид қилинган товар олди-сотди (кўрсатилган хизмат) шартномасини тақдим этишлари керак, холос. Қолаверса, тадбиркорлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида мазкур кредитлар бошлангич бадалсиз 3 йил муддатгача имтиёзли равишда бериладиган бўлди.

Жозибадор ва қулай шартли кредитларни таклиф этиш, таъбир жоиз бўлса, банкларнинг истикболини белгиловчи, ўзаро ҳамкорлиқни мустақамловчи омиллардандир. Шу маънода, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам жаҳон банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганган ҳолда, олдинги ортиқча қоғозбозлик ва мураккаб тизимдан воз кечилиб, мижозлар учун қулай бўлган янгича иш усулига ўтилмоқда. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ривожини учун 404 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Бу эса нафақат янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки истеъмол бозорини тўлдириш, балки аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш каби эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунини шу йил бошидан буён минглаб янги иш ўринлари яратилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Албатта, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кредит қўйилмалари бозоридagi фаолияти шундангина иборат эмас. Айни пайтда банк томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларга ташири давомида берган топшириқларни юзасидан ишлаб чиқилган 96 та йирик лойиҳага 1,2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Шу кунларда 70 дан ортиқ йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, уч мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Демак, бу шунча оилани ҳаётини муҳим масалалари ҳал бўлди, деганмидир.

Қолаверса, банк истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида тушлуксиз фаолият кўрсатиш тизимига ўтганлиги мамлакатимиз молия бозорига муҳим янгилликлардан бири сифатида баҳоланди. Табиийки, бу барчага жуда катта қулайлик яратаётди. Эндиликда мижозлар белгиланган иш соати вақтида ҳеч қандай тўсиқларсиз, бемалол банк хизматларидан фойдаланишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг мантикий давоми бўлди. Бинобарин, унда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъминлаш механизмларини янада такомиллашти-

Ортиқча хужжатбозликларга чек қўйилди

Туну кун ишлайди

Банкларни иқтисодиётнинг қон томига қиёслашди. Шунинг учун ҳам айни пайтда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишининг янги бозор



«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг
барча филиали
яқин кунларда

24

соатлик

узлуксиз иш режими
асосида фаолият
кўрсатишга ўтади.
Бунинг учун тайёргарлик
кўрилмақда.

механизмлари жорий этилмоқда. Уларнинг турлари кенгаймоқда, мижозлар учун молиявий очиклик ошиб бораёти. Мамлакатимиз раҳбарининг юқорида кайд этилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк”да мижозларга хизмат кўрсатиш тизими тубдан ўзгариштирилди.

Айниқса, банкнинг пойтахтимиздаги Яшнобод филиалида мижозларга хизмат кўрсатишда янгича иш усулига ўтилди. Филиалда истеъмолчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида жисмоний ва юридик мижозлар учун алоҳида-алоҳида ихтисослашган банк хизматларини кўрсатувчи “фронт” ва ёрдамчи бўлим ходимларини ўз ичига олувчи “бэк-офис” хуудлари ташкил этилди. Мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисидаги дастлабки масалалар ва ахборотларни филиал буносига қираверишдаёқ олишнингиз мумкин. Молия муассасасига киришингиз билан сизни дастлаб банк ходимлари хушмуомалалик билан қарши олишади. Банкка кириш учун эса мижознинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этишга ҳожат йўқ.

Бу янгиланишнинг олдинги тизимдан афзаллиги шундаки, эндиликда мижоз ўзининг ҳар қандай мурожаатига жавобини унга хизмат кўрсатувчи банк ходими орқали ортиқча оворагарчиликларсиз, тўғридан-тўғри олиши мумкин. Дейлик, мижоз банкка келиб омонат шакллантирмоқчи, пластик карточка оч-

тилиб, аҳоли 24 соат давомида унинг хизматидан фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, филиалда кассалар фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилиб, инновацион иш усули жорий этилаётди. Гап шундаки, олдинлари тўлов қилиш, омонатга маблағ қўйиш, пул ўтказмаларини бажариш каби қатор хизматлар алоҳида ходимлар кўмагида бажарилган бўлса, эндиликда биргина ходим ёрдамида мижозларнинг барча юмуши осонгина ҳал қилинаёти.

Валютани онлайн харид қилиш мумкин

Инновацион ривожланишнинг замонавий тамойиллари банк хизматларининг оммабоплигини таъминлаш, молиявий очиклигини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк хизматлари бўлган ишончини янада оширишга тақозо этмоқда. Шу боис айни пайтда ҳар бир мижозни рози қилиш учун тезкор ва қулай хизматларини амалга ошираётган тижорат банкгини на ютқуқа эришаётди. Мазкур жараёнда масофадан туриб хизмат кўрсатиш барчани бирдек қизиқтиради. Чунки қайси банкда масофадан туриб хизмат кўрсатиш яхши йўлга қийилган бўлса, ўша молия муассасасига нисбатан қизиқиш ортиши табиий.



“Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, мижозларга янада кенг қулайликлар яратиш мақсадида замонавий банк хизмати фаолиятини жорий қилди. Эндиликда ушбу хизмат орқали дунёнинг исталган нуқтасидан 24 соат давомида “UzPSB Mobile” иловаси ёрдамида чет эл валютасини “UzCard” пластик картадан “VISA” конверсион картага онлайн тарзда харид қилиш мумкин.

Бунинг учун банкнинг исталган филиалига мурожаат қилиб, “UzCard”

— Айниқса, улар орасида “SMS-banking” хизмати қатор қулайлик ва афзалликлар яратди. Хусусан, бу хизмат туридан фойдаланган ҳар бир киши масофадан туриб ўз ташкилоти маблағларининг ҳаракати устидан кун мобайнида мобил телефонига “SMS” хабарлар жўнатиш орқали ҳисоб рақамидаги жорий қолдик, сўнгги кириш ва чиқим операцияларини кузатиш имкониятига эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, банк мижозлари сони ошишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, омонатга пул маблағи қўйишда унинг шартлари билан “UzPSB Mobile” дастури орқали тез ва осон танишиш ҳамда электрон офертани тасдиқлаш ҳам мумкин. Қолаверса, омонатга ҳисобланган фоизли даромадни бошқа пластик картага, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш учун йўналтириш ҳамда омонатни сақлаш муддати тугагандан кейин маблағини исталган онлайн омонат турига қайта расмийлаштириш имконияти мавжудлиги мижозлар учун катта қулайликдир.

Бундан ташқари, ушбу “UzPSB Mobile” дастуридаги “Калькулятор” банди орқали омонат турини танлаб, қўйиладиган пул маблағи киритилса, сақлаш даврида қанча фоизли даромад ҳисобланганини онлайн назорат қилиш тизими ёрдамида кузатиш мумкин.

Энг муҳими, “Online Sarmoya” омонати сўм тарифида ҳисобланиб, 3 ой муддатга — минимал микдор 100 минг сўм ва максимал микдор чегараланмаган ҳолда қўйилади. Сақлаш муддати ораллигида қўшимча маблағ қўйиш имконияти мавжудлиги эса мижозлар учун айна муддаодир.

Ҳар жихатдан афзал

Очиги, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун бир жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблағга эга бўласиз, дейилса, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши кундалик одатий жараёнга айланган. Шу маънода, “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан “Uzcard” ва сўм “VISA” карта тизимлари жорий қилинди. Эндиликда банк томонидан тақдим этилаётган сўмили “VISA” карталар ёрдамида нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам барча турдаги тўловларни осонгина амалга ошириш мумкин.

“VISA” пластик карточка эгаларининг истаги билан “SMS-banking” хизмати ёрдамида пластик карточка ҳисобварағидagi маблағларни назорат қилиш ҳамда “SMS” хабар юбориш орқали тўлов ўтказиш имконияти ҳам мавжуд. Тизимнинг “Уй — банк” хизмати ёрдамида card.uzpsb.uz расмий сайти орқали пластик карта ҳисобварағи бўйича операцияларнинг амалга оширилиши мижозлар учун қулайликлар яратмоқда. Бунда мижоз “Уй — банк” хизмат кўмагида пластик карточкани “стоп-лист”га қўйиш, унинг қолдигини текшириши мумкин ҳамда мобил телефон ва интернет провайдерларга тўловларни ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширади.

Ушбу картанинг яна бир қулайлиги шундаки, сўм “VISA” пластик карталари орқали интернет дўконидаги товар ва хизматларни онлайн харид қилишлари, миллий валютадаги “VISA” пластик карточкаларидан чет давлатларда белгиланган валютада ёки интернет тармоқларида операцияларни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.

Бунда банк китоб мижоз ўртасидаги барча ҳисоб-ҳисоб хорижий валютанинг (АҚШ доллари) сўмга нисбатан тижорат курси бўйича баҳарилари.

Масофадан туриб маблағга эга бўлинг!

Эндиликда “Ўзсаноатқурилишбанк” орқали биринчилардан бўлиб, рақамли банк технологиялари ёрдамида масофадан туриб “Online Sarmoya” омонатини расмийлаштириш мумкин.

Ушбу омонат турининг афзалликлари шундаки, бунда мижоз жамғарма кассага келиб омонат ҳисобварағи очил, пулни кассага топшириш, шунингдек, омонатни расмийлаштириш учун ортиқча вақт сарфламайди. Пластик карта ва банкда аввал очилган омонат маблағларини мобил телефонга уланган “UzPSB Mobile” дастури орқали онлайн тарзда масофадан туриб бошқаради ва юқори фоизли омонатларга жойлаштира олади.

Қисқача айтганда, “Ўзсаноатқурилишбанк” учун инновацион хизмат турлари, янги ахборот технологияларини жорий этиш, мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва уларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш каби истикболли йўналишлар устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида олиб борилаётган ишлар ва борада ташланган дастлабки дадил қадамлардандир.

Фурқат САНАЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳриратга келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва мустақил равишда қайтарилмайди.

Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-йй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Набатчи — О. Файзиев.

Мусахҳиш — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6